

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 969-ҳадис

969 - □ عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَرَجَ فِي عَزْوَةٍ تَبُوكَ يَوْمَ الْخَمِيسِ، وَكَانَ يُحِبُّ أَنْ يَخْرُجَ يَوْمَ الْخَمِيسِ. مُتَّقِّ عَلَيْهِ [خ 2950].

وَفِي رِوَايَةِ «الصَّحِيحَيْنِ»: «لَقِيلَمَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْرُجُ إِلَّا فِي يَوْمِ الْخَمِيسِ» .[2949]

969. Каъб ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам Табук ғазотига пайшанба куни чиқдилар. У зот пайшанба куни йўлга чиқиши яхши кўрадилар.

Муттафакун алайҳ.

Икки сахиҳ китобидаги ривоятда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам камдан□кам ҳолларда пайшанбадан бошқа куни чиқар эдилар», дейилган.

Шарҳ: Расули Акрам с.а.в. энг охири хижрий 9-йилда Табук ғазотига чиққанлар. Табук Шом минтақасида бўлиб, Мадинага бир ойлик масофада бўлган бир жойдир.

Ҳадисимиз, бу мушкул ғазотга қатнашмаган бир қанча сахобалардан бири бўлган Каъб ибн Моликнинг, бу ҳодиса билан алоқали айтган ривоятидан олинган бир жумладир. Имом Нававий бу ҳадисни Бухорий ва Муслимнинг сахиҳларида жой олганлигини айтсада, бу қисм Муслимдаги ривоятда ўрин олмаган.

Эҳтимол, имом Нававий масаланинг асл қисмига эътибор қилиб, ривоятга кўнгил бургандир. Биз, бу ерда ҳадисимизнинг шакли бор бўлган

булоқларни күрсатдик халос.

Иккала ривоятни жамлаб ўйлаб кўрсак Пайғамбаримиз с.а.в.нинг одатда пайшанба куни сафарга чиққанларини, пайшанба кундан бошқа кунларда ҳам гоҳида сафарга чиққанларини тушунсак бўлади. Пайғамбаримиз с.а.в.нинг сафарга чиқиши учун пайшанба кунини танлашлари, албатта бесабаб эмасдир. Фақат бу масала бўйича бирон бир изоҳига дуч келмаганимиз. Ёлғиз шуни биламизки, қулларнинг амаллари душанба ва пайшанба кунлари Аллоҳга тақдим этилади. Ва жаннат эшиклари ҳам душанба ва пайшанба кунлари очилади.

Пайғамбаримиз с.а.в. жиҳод учун сафарга чиқаётиб пайшанба кунини танлашлари бу иккала хусуснинг таъсири остида эканлигини айта оламиз. Пайшанба маъносини билдирган явмул-хамис, айни вақтда армия демакдир. Одатда армия олди, орқа, ўрта, ўнг ва чап қанотлар бўлиб беш қисмдир. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз с.а.в. бу беш қисмли шаклланишини яхшиликка ишора қилиб, ҳафтанинг бешинчи куни бўлган пайшанбани сафар учун танлаган бўлишлари мумкин. Бундан ташқари яна бошқа изоҳлар қилинган бўлиб, буларнинг барчасини фақатгина таъбир эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Энг муҳими Пайғамбаримиз с.а.в.нинг хулқ-атворлари ва танловларидир. Асосий сабабнинг махфий қолиши эса, мусулмонлар учун муҳим эмас. Чунки Расулуллоҳ с.а.в. бир иш қилаётган бўлсалар, унинг албатта маъкул ва мақбул бир сабаби бордир. Уни кузатмоқ бу маъкул ва мақбул сабабни тушиниб етмоқдир.

Аллома Муновий роҳимаҳуллоҳ «Файзул қодир»да қуйидагиларни айтдилар:

«Чунки Пайшанба куни муборак кундир. Ёки у зот фатҳ ва ғалабага мувофиқ келгани учун бу кунни яхши кўрганлар. Ёки аскарлар ғалаба қозонишини умид қилингани учун яхши кўрганлар. Бу муҳаббат бардавомликни келтириб чиқармайди. Бир гал Пайғамбар алайҳиссалом шанба куни ҳам ғазотга чиққанлар».

Манба: hadis.islom.uz



